

### “САРМИШСОЙ” ТИЛСИМЛАРИ

Ўрокова Нилуфар Азаматовна

“Сармишсой” давлат музей-қўриқхонаси.

Етакчи мутахассис (археолог) +998 99 389 58 80

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19199689>

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Сармишсой” давлат музей қўриқхонасининг қоятош суратлари ўрганилаши, суратларнинг чизилганлик тарихи, суратларнинг мазмун моҳияти, ўша давр кишиларининг маданияти, турмуш тарзи ва табиий бойликлари қисман ёритиб берилди.

**Калим сўзлар:** Петроглиф, этник маданият, этномаданият, геологлар, зоолог, ботаник, консерватор, эколог, этнография.

*Маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, касб - ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.*

**Ш.Мирзиёев**

Ўзбекистон кишилиқ маданияти тарихий бой қадимий, масканлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудида яшаган аجدодларимиз томонидан тарихий даврнинг барча босқичларга хос бўлган ва бизга мерос сифатида қолдирилган маданий мерос ёдгорликлари (тош даври маконлари, қадимги мозорлар, суғориш иншоотларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ ва шаҳар харобалари, кўҳна обидалар ва бошқалар)дир. Бундай маданий мерос ёдгорликлари орасида юртимизнинг тоғ олди ва тоғлик жойларда кенг тарқалган қоятош суратларидир.

Қоятош суратлари ер шарининг барча қитъаларида яшаган қадимги уруғ ва элатларнинг турмуш тарзи, диний эътиқодларини акс эттирган ва уларнинг кундалиқ ҳаётида учрайдиган воқеаларни қамраб олган қадимий тош китобдир. Бу суратлар қадимдан бизгача етиб келган қимматли археологик ёдгорлик ва тарихий манба, тошга битилган ажойиб йилнома, йирик архив материаллари ҳам ҳисобланади. Одатда бундай суратларнинг аксарияти қаттиқ буюмлар ёрдами билан уриб, чўкичлаб, айримлари эса табиий бўёқ ангоб билан ишланган. Улар асосан сой, дара тошларида, ғор, унгур, камарларнинг девор ва шипларида кўп учрайди.

Мамлакатимиз ҳудуди бағрида бундан 5-7 минг йиллар олдин қоятошларга чўкичлаб ишланган ва ҳозирги кунларимизгача ўз бағрида 5 мингдан ортиқ тарихий суратларни сақлаб келаётган Сармишсой дараси қоятош суратлари ва петроглифларидир.

“Сармишсой” дараси Зарафшон дарёси ўрта оқимининг ўнг томонида ястаниб ётган унча баланд бўлмаган Қоратоғнинг жанубий ён бағрида, Навоий шаҳридан 40-45 км шимолий шарқдадир.

Қоратоғ тизмаси Нурота ва Оқтоғ тизмалари билан бирга Ўрта Осиё тоғларининг энг чекка ғарбий тармоқларини ташкил қилади. Бу тизма паст тоғлардан ҳисобланиб, унинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан чамаси 1000-1200 метрдан ошмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Сармишсойда расмлар сони жуда кўп ва улар бир неча келометр масофадаги майдонда жойлашган. Бу ёдгорликлардаги энг қадимги тасвирлар мезолит яъни ўрта тош даврларидан чизила бошлаганлиги олимлар тамонидан исботланган (Формозов, 1969. С. 74; Кабиров, 1976(2). С. 70; Шер, 1980. С. 181-183).

Сармишсой дарасидаги бу суратлар тўплами 1958 йили археолог Х.Мухаммадиев Нурота тоғларининг жанубий ён бағирларида қадимда бунёд этилган “Девони Канпирак” деворлари қолдиқларини излаб юрган вақтида маҳаллий аҳолидан Қораунгурсой ва Сармишсой дараларидаги қоятошларда қандайдир сирли расмлар борлиги тўғрисида эшитади. Тадқиқотчи бу дараларга боради ва у ердаги расмлардан нусхалар олиб, «Қизил Ўзбекистон» газетаси (ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси) саҳифаларида мақола эълон қилади. Ана шундан кейин Сармишсой қоятош расмлари фан оламига маълум бўлади.



Маълумки, қоятош расмларини тарихий ёдгорлик объекти сифатида тўлиқ ўрганишда соҳа мутахассислари эътироф этган уч босқичли изланиш ишлари мавжуд (М.Хўжаназаров. С. 2018й). Тадқиқотлар олиб бориш ва мажмуани умумий тавсифлаш, расмларни классификациялаш (таснифлаш) ва уларни даврини аниқлаш, ҳамда этник маданиятни ва расмлар мазмун-моҳиятини изоҳлашдан иборатдир.

Шундан сўнг 1959 йили бу ерга Ўзбекистон Фанлар Академиясининг археолог академиги Я. Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳондарё экспедициясининг аъзолари А.Мухаммаджонов, М.Қосимов, Ў.Исломов, Н.Тошканбоев, ва бошқалар ҳам дарада кузатиш ишларини олиб борганлар. Ушбу кузатишлар натижасидан сўнг 1964 йили Н. Тошкенбоевнинг “Сармишсой” қоятош суратлари ҳақидаги мақоласи эълон қилинди.

1968 йил Ленинградлик биолог Танасийчук ҳам Сармишсой қояларидаги суратларнинг баъзиларини тасвирга олган ва Сармишсой ҳақида ўз фикрларини ёзган. 1966-1967 йилларда ушбу экспедиция таркибида археолог Ж.Кабиров ҳам иш олиб боради ва Сармишсой қоятош рамлари устида тадқиқот ишларини бошлаб юборади ва бу ерда 2000 ортиқ қоятош расмлари борлиги аниқланади. Унинг бу изланишлари Сармишсой расмларини батафсил ўрганишга тurtки бўлади. Бу изланишлар тўғрисида эшитган академик Я.Ғ. Ғуломов ёш тадқиқотчи Ж. Кабиров Ўзбекистон қоятош расмлари бўйича номзодлик диссертацияси ёзишни таклиф қилади ва 1969 йили петроглифларни ўрганувчи махсус гуруҳини шакллантириб беради. Бу махсус гуруҳ республика қоятош расмлари ёдгорликларни ўрганишга киришади. 1969- 1972 йилларгача Ж. Кабиров раҳбарлигидаги махсус гуруҳ Сармишсойда илмий тадқиқот ва ишланишлар олиб борган.

Сармишсой дарасининг 5.5-6 км кенг майдонида уч ярим мингдан ортиқ қоятош суратлари (одамлар, ҳайвонлар, хўжалик буюмлари ва бошқалар) мавжудлиги аниқланиб, расмларидан фото-суратларга муҳрланиб, нусхалар кўчириб олинади. Дарада ишларни осон кечиши мақсадида даранинг хусусиятлари ҳисобга олиб, уни ўн беш қисмга ажратди.

Сармишсой қоятош суратларини ўрганар эканмиз, бу расмлар даранинг ҳар икки тарафидаги паст баланд қоятошларнинг силлиқ юзларига чўкичлаб ишланган. Уларнинг сирти ва унга ишланган расмлар юзаси бугунги кунда тектоник ҳаракатлар оқибатида ёрилган ва дарз кетган. Бундан ташқари, бу қоялар офтоб нури ва бошқа кимёвий ўзгаришларнинг таъсири натижасида куйиб, униқиб кетган. Улар оч кўнғир, жигар ранг ва қорамтир товланади. Қуёш камроқ тушадиган расмли ёки расмсиз қояларнинг юзаси оч яшил, тақир йўсин бўлиб, улар мох-лишайник ўтлар билан қопланган. Шунинг учун ҳам тош сатҳидаги тасвирларни дарҳол пайқаб, ажратиб олиш бир мунча мушкулдир.

1970-йилдан буён ўтган давр ичида, Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Археология институти олимлари Я. Ғуломов, У. Исломов, М. Исоқов, А. Кабиоровлар томонидан Сармишсой маданий мероси тарихи пухта илмий ўрганилди. Эришилган илмий натижалар кўплаб ахборотномалар, каталоглар, илмий рисоалар ва ўқув дарсликларида нашр этирилиб, юртимиз тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Ж. Кабиоровнинг изланишларидан кейин Сармишсой ва Нурота тоғларининг қоятош расмларини ўрганиш бўйича бироз узилиш (танаффус) пайдо бўлади. Шундан кейин яна Ж. Кабиоровнинг ўзи 1987 йил “Республика қоятош расмларини ўрганиш” гуруҳини ташкил этади ва бошқа Сармишсой ва унинг атрофида жойлашган Нурота тоғлари, айниқса, унинг тизмалари бўлган Қоратов ва Оқтов қоятош расмларини ўрганиш ишларини бошлаб юборади. Натижада 30 дан ошиқ бошқа жойларда ҳам янги-янги қоятош расмлари ёдгорликлари аниқланди.

1993 йилда “Сармишсой” қоятош суратларини галереясини ўрганиш бўйича М. Хўжаназаров бошчилигида Ўзбек-Польша (Познань университети) биринчи халқаро экспедиция ташкил этилган бўлиб, улар анча кўзга кўринадиган изланиш ишларини олиб бордилар. Уларнинг вазифаси, бошқалардан фарқли ўлароқ, бу ердаги расмларни алоҳида ҳолда ҳисобга олиш, ҳар бирини таснифлаш, дарага умумий характеристика бериш ва шу билан биргаликда расмларни даврини аниқлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини, нима мақсадда чизилганлигини аниқлашдан иборат бўлди. Бундан ташқари, дала ишлари вақтида расмлардан полиэтилен шаффоф плёнкаларга ва калька қоғозларга нусха олиш, ҳамда сойнинг бутун расмлари каталогини тузиш мақсадида ҳар бир шаклни фото- расмларга муҳрлаш ишлари олиб борилди. Бу мураккаб изланиш ишлари 1993-2000 йиллар давомида ўтказилди. Натижада ҳали фанга маълум бўлмаган янги-янги петроглифлар ва бошқа археологик ёдгорликлар борлиги аниқланди. Изланишлар тўғрисидаги маълумотлар илмий ва оммавий мақолаларда, Ўзбекистон ва Польшада чиқадиган журнал ва китобларда чоп этилди (Sztuka naskalna Uzbekistanu, 1997. 286 p; Lasota-Moskalewska, M. Hudjanazarov, 2000, 92 p; Rozwadowski, 2004. 132p; Хужаназаров, 1998. С. 81-89).

Ж. Кабиоров, Б. С. Шалатонин, М. М. Хўжаназаровларнинг ва Польшалик мутахасисларнинг Сармишсойда олиб борган изланиш ишлари илмий ва кенг жамоатчилик аҳлини қизиқишини ошириш баробарида бу ёдгорликни Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиёнинг таниқли моддий-маданий мерослари сафига олиб кирди.

2002 йилнинг иккинчи яримида М. Хўжаназаров ўзининг ҳамкасблари ва шогирдлари билан “Сармиш” гуруҳини тузади ва Сармишсой ва унинг атрофидаги қоятош расмлари ва бошқа археологик ёдгорликларни ҳам комплекс ўрганишга киришади. Гуруҳ таркибига геологлар, зоологлар, ботаниклар ва музей ходимлари ва Навоий тоғ металлургия комбинатининг “Экология ва атроф муҳитни ўрганиш” бўлими бошлиғи геолог В.А. Груцинов Сармишсойни геологик жиҳатдан шаклланиш жараёнларни ўрганишга киришади.

Бу изланишлар натижасида Сармишсой дарасининг хушманзара рельефи 300 миллион йил бурун герцин-тектоник бўрмаланишлари даврида шаклланиши маълум бўлди.

2002 йилнинг куз ойларида Сармишсойга маданий мерос экспертлари Анна София Хиген (Норвегия, Осло маданий мерос директорлар коллегияси) ва ЮНЕСКОнинг Самарқандаги Халқаро Марказий Осиё изланишлар институти (МИЦАИ) директори К. И. Ташбаева ташриф буюрди. Уларнинг бу ерга келишдан мақсадлари аввало Сармишсой ёдгорликлари билан ҳамда “Сармиш” петроглифлар гуруҳини олиб борган изланиш ишлари натижалари ва йиғилган илмий ҳужжатлар билан даранинг ўзида танишишдан иборат бўлди. Халқаро экспертлар Сармишсойда олиб борилган ишларни диққат билан ўрганиб чиққанларидан кейин “Сармиш” гуруҳи бошлиғига зудлик билан “Сармишсой маданий мероси ва табиатини бошқариш ва сақлаб қолиш” мавзусида илмий лойиҳа тайёрлашни ва уни турли чет элдаги жамғарма ҳамда ташкилотларда кўриб чиқишга юборишни таклиф қилдилар. Шундай қилиб, “Сармиш” гуруҳи нуфузли ташкилот бўлган ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ишларини бошлаб юборди.

2004 йилнинг бошидан “Сармиш” гуруҳи ўз изланишларини кенг кўламда давом эттириш билан бир қаторда, режага кўра йилнинг охирида ўтказиладиган Халқаро конференцияга тайёргарлик ишларини ҳам олиб бордилар. Ишлар бир неча йўналишлар бўйича давом этди. Уларнинг энг асосийларидан бири, вилоят ёдгорликларини сақлаш ва қўриқлаш бўлими ходимларини Сармишсой археологик ёдгорликларни ҳимоя қилишга ва бу ишларни давлат миқёсида олиб бориш учун ҳужжатлар тайёрлаш ишларини ташкил этишдан иборат эди. “Сармиш” гуруҳи аъзолари ёдгорликларни сақлаб қолиш учун тузилган ҳужжат ва режалар билан вилоят ҳокимиغا бир неча мартаба мурожаат қиладилар.

Шундан сўнг вилоят ҳокими ҳужжат ва режалар билан танишиб чиқиб, Сармишсой маданий ва табиий меросини сақлаб қолиш ва қўриқлаш учун буйруқ чиқарди. 2004 йил 23 сентябрь куни вилоят миқёсидаги “Сармишсой” тарихий-маданий ва ландшафт музей-қўриқхонасининг ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундан сўнг, Сармишсой археологик ва табиий ландшафтини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатлар анча олдинга силжишни бошлади.

2004 йил 8-16 октябрь кунлари Навоий шаҳри ва Сармишсой дарасида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги миллий комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Навоий вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида “Сармишсой табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш, ўрганиш ҳамда бошқаришнинг янгича усуллари” мавзусида халқаро илмий конференцияси ва дала семинари ўтказилди.

Натижалари республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Конференцияда 50 дан ортиқ чет эллик ва маҳаллий мутахассилар билан биргаликда ЮНЕСКО нинг Алмата шаҳридаги минтақавий вакили, ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги миллий ишлари бўйича котиби Навоий вилояти ва Навбахор тумани расмий вакиллари, тоғ-кон металлургия комбинатининг раҳбарияти қатнашди. ЮНЕСКОнинг Самарқанддаги Халқаро Марказий Осиё изланишлар институти (МИЦАИ) ва “Сармиш” гуруҳи конференция ишлари программасини туздилар ва уларни бажарилишини ўз зиммаларига олдилар. Конференция ва семинар қатнашчилари Сармишсой ёдгорликларини кўриқлаш ва сақлаш тўғрисида тақдимот ўтказиб, тегишли қарорлар лойиҳасини ишлаб чиқдилар ва ўрнатилган тартибда тасдиқладилар. (Хужаназаров. 2004; Хиген. 2004)

Шундан сўнг ҳамкорликни муваффақиятли давом эттиришга тамал тоши қўйилди ва Сармишсойда ўзбек-норвегия ҳамкорлик лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланиб, изланишларнинг кейинги ривожланишига асос солинди.

2005 йили апрель ойида сой худудидаги эски Сармиш қишлоғи ўрнидаги Чамбартепада (Сармиштепа-1) биринчи марта синаб кўриш учун археологик қазишма ишлари бошлаб юборилди. Қазишма ишларида археологлар билан бир қаторда консерватор, геолог, зоолог, эколог, этнограф, музей ходимлари, ландшафт дизайнерлари ва бошқа мутахассислар иш олиб бордилар. Мутахассисларнинг фикрларига кўра қачонлардир бу тепа атрофи девор билан ўраб олинган ва уни тўрт чеккасида миноралар қад ростлаган. Чамбартепанинг юқорисидан сойнинг тўрт томонини жуда яхши кузатиш имкони бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу жой қадимда кузатиш нуқтаси ҳам бўлган бўлиши мумкин деб таъкидлайди. Бу ишларнинг натижалари ҳисобот ва мақолаларда чоп этилди. (Khudjanazarov et al., 2005; 2006; 2007; 2008; 2010)

2006-2008 йиллар давомида Сармишсой дарасида ва унинг атрофларида илмий изланиш ишлари давом эттирилди. “Сармиш” гуруҳи аъзолари қилинган ишлар юзасидан ҳужжатлар тайёрлаб, Навоий вилояти ҳокимияти орқали Республика Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборди. Бу расмий ҳужжатда бутун қилинган ишлар ҳар томонлама ёритилди ва Сармишсой қоятош расмларини ЮНЕСКО нинг дунё маданий мероси ёдгорликларини рўйхатига олдиндан киритишга асос бўладиган далиллар келтирилди ва айтиш шундай бўлдики, лойиҳа кейинчалик, яъни 2008 йили Сармишсой ёдгорлиги ҳужжатлари бу нуфузли ташкилотнинг дунё маданий мерослари рўйхатига олдиндан киритилди. Конференция қатнашчиларининг барчаси “Сармиш” гуруҳи аъзоларининг, ёдгорликларда олиб борган илмий ва амалий ишларини юксак даражада баҳоладилар. Улар Сармишсой ва унинг атрофидаги археологик, табиий ёдгорликларни сақлаб қолиш, уларни кейинги авлодларга етказиш масалларини муҳокама қилишиб, бу жойни ЮНЕСКО нинг дунё маданий ва табиий мероси рўйхатига бутунлай киритиш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Шундай қилиб, Сармишсой петроглифлари тўғрисидаги маълумотлар дунёга маълум бўлди. Энг муҳими, бу изланишлар орқали бу йирик, тош архивлардаги тарихий манбаларни сақлаб қолиш ишлари ривожлантирилиб, уларни келажак авлодларга етказиш каби масалаларга жамоатчилик эътибори қаратилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. **А. Арциховский.** Археология асослари. Тошкент, «Ўқитувчи» 1970.

2. **Ж. Кабиров, А. Сагдуллаев.** Ўрта Осиё археологияси. Тошкент, «Ўқитувчи» 1990.
3. **Жаббор Кабиров.** Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. Тошкент, «Ўқитувчи» 1976.
4. **М. Хўжаназаров.** Сармишсой. Тошкент, «Нурфайз» 2018.
5. **М. Жўрақулов.** Ибтидоий жамият тарихи. © Самарқанд давлат университети, Самарқанд, 2013.
6. **Жабборов.** Ўзбеклар (Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). Тошкент, «Шарқ» 2008.